

ОЙҚОР ОРОНИМИ СЕМАНТИКАСИ

Жиззах Давлат педагогика институти

катта ўқитувчиси (PhD)Аҳмедов Собир Назарқосимович

Резюме

Ушбу мақолада Жиззах вилояти Туркистон ва Нурота тоғ тизмалари Ойқор тоғлари номланиши ҳақида қизиқарли ва илмий асосланган маълумотлар келтирилади.

Таянчсўзлар:Ороним, оронимия, Хисор, Помир, Молгузар, Ойқор, Жиззах .

Резюме

В этой статье анализируются научно обоснованные и интересные факты о наименовании холмов, горы «Ойкор» которая переходит через территории Джиззахкой области.

Ключевые слова: Ороним, оронимия, Хисор, Помир, Молгузар, Ойқор, Жиззах .

Summary

This article analyzes scientifically substantiated and interesting facts about the name of the hills, the mountain "Oikor", which passes through the territory of the Jizzakh oblast.

Key words: Oronym, Oronymy, Hisor, Pomir, Molguzar, Oykor, Zhizakh.

Бирор типдаги оронимлар мажмуаси оронимия деб юритилади. Топонимиянинг муҳим йўналишларидан бири оронимия ҳисобланади. **Ороним** термини юнонча орог – тоғ + онома – атоқли от маъносида бўлиб, ер юзаси релифидан бўртиб, кўтарилиб чиққан ҳар қандай баланд жойлар атоқли отини англатади¹. Оронимлар энг кам ўрганилган соҳа ҳисобланади. Ўзбек тилидаги оронимлар монографик тарзда ўрганилган эмас. Аммо ўзбек

¹ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. –Наманган, 2006 .63.бет

тил макро ва микропонимлари тадқиқига бағишланган ишларда муаллифлар ўзи ўрганаётган ҳудудда учрайдиган оронимларга ҳам тўхталиб ўтган. Масалан, Ў.Орипов Нурота тумани ҳудудида 30 та тоғ ва 24 та чўққи, 30 та тепа номлари мавжудлигини², А.Арслонов Шофиркон туманида 30 га яқин тепа номи мавжудлигини ёзган³. Оронимия деганда ер юза қисмидан баланд ва паст жой номлари тушинилади. Жиззах вилоятида 52 та ороним қайд этилган⁴. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, Ойқор, Хисор тоғ тизмалари ва Помир тоғ тизмаларининг давомидир. Ойқор тоғ тизмаси денгиз сатҳидан 3200 м баландликда жойлашган. Туркистон тоғ тизмасининг бир қисми Ойқор деб аталади.⁵ Бахмалда барча тоғлар умумий маънода Ойқор номи билан аталса-да, ҳар бир дўнглик, сой, жилға, қўтоннинг ўз номи бор.

Айрим тилшунослар бу номни ой (туркий сўз) ва қор (сутдек оппоқ рангли, заррасимон ёғин, туркий сўз) сўзлар бирикувидан ҳосил бўлган ном сифатида изоҳлайди⁶ унга Ойқор топонимининг этимологик таҳлили мисол бўлади. Унинг келиб чиқиши ҳақида қуйидаги тахминлар бор:

Жой номи иккита маъноли қисмдан иборат: ой, қор. Ушбу икки сўз бирикиб, сўз бирикмасини, сўнгра қўшма сўзни ҳосил қилган: ойқор > ой қор > ойқор. Юзага келган қўшма сўз ономастик конверсия жараёни ту-файли топонимга айланган: ойқор > Ойқор. Ҳосил бўлган топоним «кат-талиги ойдай қор» деган маънони ифодалайди.

Топонимдаги ой аслида ал шаклида бўлган: о унлиси а унлисидан юзага келган. Шу ўзгариш таъсирида сўздаги л > й товушига ўзгарган: ал > ойқор > ойқор > Ойқор. Халқ нутқида ал сўзининг «баланд» деган маъноси бор. Бунда жой номи «баланд қорлик» деган маънони билдиради.

Туркий тилида ёзилган баъзи манбаларга қараганда ушбу топонимдаги қор ҳозирги кунда қўлланадиган қор сўзи билан боғлиқ эмас. Унинг биринчи

²Орипов Ў.Нурота тумани макро ва микро топонимияси лисоний таҳлили Филол. фанлари номзодлик дис ... автореф. –Самарқанд 2002, 13-бет

³Арслонов А. . Шофиркон тумани микропонимиясининг лингвистик таҳлили: Филол. фанлари номзодлик дис ... автореф. –Тошкент, 2005. 62бет.

⁴S.Qoraev. "Toponimika" Toshkent. 2006 67 bet.

⁵ Б.Ўринбоев. Жиззах топонимларининг табири. Услубий қўлланма Самарқанд 2007 39 бет.

⁶ Эрназаров Т. Номшунослик масалалари. Услубий қўлланма. Т.2010 64-65 бетлар.

маъноли қисми бўлган ой сўзи ўй сўзининг ўзгарган шакли (ў > о: ўй > ой) бўлиб, оронимияда нотекис, ўй-қирли маъносига эга. Қадимги туркий тилда ва Махмуд Кошғарий даврида ой // ўй сўзи «чуқур, чуқурлик, ернинг ўнқир-чўнқир»и маъносига эга бўлган «Ой – туркий сўз бўлиб, ўй чуқурлик, чуқур жой лексемасининг ўзгарган шаклидир. Ой < ўй – чуқур, теран, қазилган жой» каби маъноларда ифодалайди. Унинг «теран» маъноси топоним учун хос эмас. Ой сўзининг бу маънода ишлатилишини Ҳ. Ҳасанов ҳам таъкидлаган.

Унинг иккинчи маъноли қисми бўлган қор сўзи эса шу шаклга келгунча фонетик ўзгаришларга учраган. Бу сўз асли тоғ шаклида бўлган: тоғ > тоғ > роғ > роқ > қор. Унда т > р, ғ > қ каби ўзгаришга юз тутган. Объектга ном бериш эҳтиёжи натижасида ой сўзига қўшилган тоғ сўзида метатеза ҳодисаси рўй берган: ойқтоғ > ойтоғ > ойроғ > ойроқ > ойқор > Ойқор. Бу ҳолда т > д > р шаклидаги фонетик ўзгаришлар таъсирида ғ > қ ҳолатидаги фонетик ўзгариш амалга ошган. Демак, топоним нотекис, ўй-қирли жойдаги тоғ деган маънони ифодалайди. Унинг этимони эса турли фонетик ўзгаришларга учраган ўйқир (ой тоғ) бирикмаси.

Агар ой // ўй сўзи «чуқур, чуқурлик, ернинг ўнқир-чўнқирли», деб, шунингдек, «Ой – туркий сўз, ўй (чуқурлик, чуқур) жой лексемасининг ўзгаргани. Ой < ўй – чуқур, қазилган жой», деб қайд этилганлиги эътиборга олинса, мазкур топоним асли табиий-географик ҳолатдан, яъни ўнқир-чўнқирли жой маъносидаги ўй-қир(ли) шаклидаги жуфт сўздан шаклланган бўлади. Унда қуйидаги фонетик ўзгаришлар рўй берган: ўй-қир > ой-қир > ой-қор > ойқор > Ойқор. Сўзнинг иккинчи маъноли қисмидаги и унлиси сингармонизмга кўра биринчи маъноли қисмдаги ў > о фонетик ўзгаришига мослашиб, о товушига ўтган. Топонимнинг этимони – «ўнқир-чўнқирли жой» маъносидаги ўй-қир(ли) жуфт сўзи. Унинг келиб чиқиши ҳақидаги биринчи, иккинчи ва учинчи фаразлар ишончсиз, тўртинчи ҳамда бешинчи фаразларда эса топоним ва луғавий асосдаги фонетик ҳодисалар фоносемантик тамойил воситасида асосланган.

Яна баъзи қарияларнинг айтилишларича “Ойқор” деб номланишининг бошқа бир сабаби, ёзнинг энг жазирама кунларида, саратонда ҳам тоғнинг тепасидаги қор янги чиққан ой шаклида кўриниб турганлиги учун шундай ном билан номланган дейлади. Чунки ушбу ном “ой” ва “қор” сўзларининг бирикмасидан ташкил топган. Яъни, ой кўринишидаги қор деган маъно келиб қичади. Бизнингча ҳақиқатга яқинроғи шу деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ўша оронимларга берилган номлар шу ҳудудда яшовчи халқнинг турмуш шароити дунёқараши ва шевасидан келиб чиқиб яшаб, турган жойларига ўзларига хос ва мос номларни беришган деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Э.Бегматов “Номлар тарих садоси” Туркистон, 1992 йил
2. Эрназаров Т. Номшунослик масалалари. Услубий қўлланма. Т.2010 йил
3. С.Қораев. “Топонимика” Тошкент 2006 йил.
4. Б.Ўринбоев. Жиззах топонимларининг табири. Услубий қўлланма Самарқанд 2007 йил.
5. Ўзбекистан миллий энциклопедияси 12-жилд Давлат илмий нашриёти, Тошкент.2006. — 712 б.
6. Ш.Темиров. “Айрим оронимлар ҳақида” Ўзбек тил ва адабиёти 3/2014 йил
7. Дўсимов З., Эгамов Ҳ. Жой номларининг қисчача изоҳли луғати. Тошкент, 1977. – Б. 98.